

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ташаббускор лойиҳачи

\_\_\_\_\_ **ОВ**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й

**ИССИҚХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ  
ЖАЛБ ЭТИШ БЎЙИЧА**

# **БИЗНЕС РЕЖА**



**Лойиҳа қиймати**

**2 000,0 млн. сўм**

*Шундан*

**Ўз маблағи**

**1 000,0 млн. сўм**

**Кредит маблағи**

**1 000,0 млн. сўм**

\_\_\_\_\_ – 2021 йил

➤ Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви .....	3
➤ Лойиханинг кискача шархи .....	4
➤ Бизнес лойиханинг тавсифи .....	8
➤ Кириш .....	9
➤ Лойиханинг умумий шархи .....	10
➤ Лоиханинг стратегик мазмуни ва макседи .....	12
➤ Лойиха асосига куйилган асосий параметрлар.....	14
➤ Лойиха ташаббускори хакида кискача маълумот .....	16
➤ Лойиханинг амалга ошириш графиги.....	18
➤ Хизмат кўрсатиш жараёни тавсифи.....	19
➤ Хизмат кўрсатиш кувватлари .....	21
➤ Ишчи кучи ресурлари ва уларга булган талаб.....	22
➤ Ишчиларга куйиладиган талаб ва кадрлар дастури .....	24
➤ Энергия ресурлари сарфи .....	25
➤ Фаолиятнинг маркетинг тахлили .....	27
➤ Бозор шароитининг тахлили.....	29
➤ Талаб ва таклиф, нарх шаклланиш омиллари тахлили .....	30
➤ Swot (азит) тахлили .....	31
➤ Маркетинг стратегияси ва дастури .....	33
➤ Лойиханинг молиявий асослари.....	34
➤ Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари .....	35
➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси .....	36
➤ Озиқ-овқат маҳсулотлари сарф – харажатлари .....	37
➤ Ишчи кучи сарф харажатлари .....	39
➤ Энергия ресурслари сарф харажатлари .....	42
➤ Амортизация ажратмалари .....	45
➤ Ялпи харажатлар ҳисоби .....	46
➤ Кредитни қайтариш режаси.....	47
➤ Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоби .....	48
➤ Пул оқими ва дисконтланган пул оқими .....	49
➤ Хулоса.....	50
➤ Фойдаланилган адабиётлар .....	51

## ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

Ушбу бизнес режа ташаббускор лойиҳачи «\_\_\_\_\_» буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йулга куйилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг молиявий-иктисодий, ташкилий ва маркетинг таҳлилларини уз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар ташаббускор лойиҳачи \_\_\_\_\_ ва унинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат ташаббускор лойиҳачи "\_\_\_\_\_" нинг мулки ҳисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошқа шахсларга ошкор этиш муассаса раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни корхона раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошқа шахсларга сотиш ёки тақдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш катъиян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – ташаббускор лойиҳачи "\_\_\_\_\_"нинг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у

## ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

**ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:** Шерматов Бобур

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:** Молиявий тизимида ташаббускор ўз маблағлари ва кредит маблағлари жалб этиш орқали такдим этилаётган молиявий ресурслар

**ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ:** жисмоний шахс

**РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАҚАМИ:**

\_\_\_\_\_ 2018 йил, Реестрдаги тартиб рақами № \_\_\_\_\_,  
 Гувоҳнома № \_\_\_\_\_ Асос: \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани,  
 Давлат хизматлари марказининг № \_\_\_\_\_ сонли гувоҳномаси

**МУАССАСАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:** \_\_\_\_\_ вилояти,  
 \_\_\_\_\_ тумани

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** АТБ “\_\_\_\_\_ банк” \_\_\_\_\_ филиали х.р  
 20208000

МФО 00\_\_\_\_, СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_, Тармок коди (ОКОНХ):19733

### ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ:

- ✓ Лойиха суммаси: **2 000 000** минг сўм
- ✓ Ташаббускор ўз маблағлари: **1 000 000** минг сўм
- ✓ Кредит маблағлари: **1 000 000** минг сўм
- ✓ Лойихалаштириш муддати: **5** йил
- ✓ Ўртача йиллик ялпи тушум: **3300,4** млн. сўм
- ✓ Ўртача йиллик даромад: **2171,1** млн. сўм
- ✓ Йиллик уртача соф фойда микдори – **1590,7** млн. сўм
- ✓ Лойиханинг соф фойда хисобидан реал окланиш муддати= **60** ой
- ✓ Лойиханинг уртача рентабеллик даражаси = **27,3 %**
- ✓ Лойиханинг уртача соф рентабеллик даражаси = **0,4 %**
- ✓ Яратиладиган ишчи уринлари сони: **15** та

## БИЗНЕС ЛОЙХАНИНГ ТАВСИФИ

Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалик тармоқларини такомиллаштириш асосий омил ҳисобланади.

Сабзавотларни илмий асосланган йиллик истеъмол меъёри уларни йил давомида бир хилда истеъмол этилишини тақозо этади. Бунга эришиш учун очик ва ҳимояланган майдон сабзавотчилигини мутаносиб равишда ривожлантириш лозим. Аҳолини йилнинг кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида сабзавот маҳсулотлари билан таъмин этишда ҳимояланган майдон сабзавотчилиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ҳимояланган майдонлар сабзавотчилигида катта ўзгаришлар содир бўлди. У ривожланиб келаётган тармоқдан илмий ва индустриал асосда ривожланган тармоққа айланди, яъни иситиладиган майдонларни турлари такомиллаштирилди, ҳимояланган майдонлар учун янги нав ва дурагайлар яратилди, парваришлашни янада янги, маҳсулот таннархи пасайишини таъминловчи илгор усуллари ишлаб чиқилди. Ҳимояланган майдонларнинг замонавий босқичдаги алоҳида хусусияти, бозор иктисодиёти ислохотида унинг майдонлари кўпайгандир.

Ҳимояланган майдон сабзавотчилигини энг ривож топган ушбу Голландия давлатида 1980 йилда иссиқхоналар майдони 16 минг гектарни ташкил этган, 1995 йилга келиб эса у 22 минг гектардан ошиб кетган, иссиқхона майдонининг ўртача йиллик ўсиши ушбу даврда 500 гектар бўлган. Италияда ҳимояланган майдонларнинг сезиларли кўпайиш 1960 йилдан бошланган бўлиб, 2000 йилга келиб иссиқхоналар майдони 60 маротабадан ҳам ортиқ кўпайган.

Бундан 20-25 йил аввал ишлаб чиқаришга эга бўлган ҳимояланган майдони бўлмаган Болгария, Руминия ва Польша давлатлари ҳозирги вақтда ҳимояланган майдони сабзавотчилиги энг ривожланган давлатлардан ҳисобланади, ҳозирги кунларда ушбу соҳа 1500 гектар майдонни, Америка Қўшма Штатларида эса ҳимояланган майдонлар 3500 гектарни ташкил этади. Ҳамдўстлик давлатлар ташкилотига (ҲДТ) аъзо давлатларда ҳимояланган майдонлар 30000 гектарга яқин бўлиб, шундан 60 фоизи плёнка билан ёпилган ва 40 фоизи ойнаванд иссиқхоналардир.

Ўзбекистонда 2007 йилнинг 1 январигача олинган маълумот бўйича ойнали иссиқхоналар майдони 600 гектардан ортиқ бўлиб, 4500 гектарга яқин плёнка билан ёпилган иситиладиган ва иситилмайдиган иссиқхоналар мавжуд. Плёнкали иссиқхоналар майдони йилига 100 гектардан ошиқроқ кўшилиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳимояланган майдонлар етарли имкониятларга эга бўлиб, аҳолини йилнинг пишиқчилик мавсумидан ташқари даврда сабзавот ва лимонлар билан таъмин этиб қолмай, балки иссиқхона маҳсулотларини бошқа давлатларга ҳам чиқариб сотиш мумкин.

Нидерландия, Белгия, Швеция, Дания, Финляндия каби шимолий давлатларда микроклим автоматик равишда бошқариладиган, энг юқори

даражада механизмлар билан таъмин этиладиган ойнаванд иссиқхоналар қурилмоқда. АҚШ, Италия, Франция, Руминия, Болгария, Венгрия ва бошқа давлатларда бир йўла ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар қурилмоқца. Японияда эса ҳимояланган майдоннинг асосий тури - плёнкали иссиқхоналардир, Замоनावий лойиҳада қуриладиган иссиқхоналарда барча ишлаб чиқариш жараёнлари ва иқлим шароитларини бошқариш механизм ва автоматлар зиммасига юклатилган.

Иссиқхоналардаги автоматлар у ердаги ўсимликларнинг навига, ўсиш даврига ва келиб чиқишига мувофиқ равишда ўсиб, ривожланиши учун қулай шароит яратиш имкониятига эгадир.

Иссиқхоналарнинг Голландияда яратилган лойиҳаси бутун дунё бўйича кенг тарқалган. Ушбу туркумга мансуб иссиқхоналар бизда ҳам кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик уларнинг кўриниши бироз ўзгартирилиб, 2-3 гектарли корпуслар ўрнига бир гектардан иборат 6 та корпус қурилган.

Япониядаги иссиқхоналарда иқлим шароитларини бошқариш компьютерлар орқали амалга оширилади, ишлаб чиқариш жараёнларини юқори даражада механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши у ердаги хизматчилар сонини 1 гектар майдон ҳисобига 7 тагача қисқартириш имконини беради, бизда эса бу кўрсаткич икки баробар юқоридир.

Кейинги йиллардаги ҳимояланган майдон соҳасидаги катта ютуқлардан бири, бу полиэтилен плёнкасининг яратилиши ва уни турли шаклдаги иссиқхоналар ҳамда ҳимояланган майдонларни ёпишда кенг миқёсда қўлланилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда асосан кичик ҳажмли, майдони 6 гектардан иборат бўлган иссиқхона комбинатлари қурилган, бундан ташқари, бизнинг республикада оилаларимизни сабзаёт маҳсулотлари билан таъмин этиш ва тижорат мақсадида турли кичик ҳажмдаги 50 м<sup>2</sup> дан 500 м<sup>2</sup> гача майдонга эга бўлган иссиқхоналар кўплаб қурилмоқда.

Сабзаёт етиштиришда иссиқхоналар самарадорлигини ошириш, уларда экиладиган навларни кўпайтириш, янги навлар ва қулай бўлган парваришlash усулларини қўллашга боғлиқ.

Кейинги йилларда Ўзбекистон сабзаёт-полиэтилен экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида иссиқхоналарда экиш учун помидорнинг янги навлари яратилиб, уларнинг уруғларини тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, иссиқхона комбинатларини уруғ билан таъминлаш имконига эгадир. Шу жумладан, помидорнинг янги яратилган Гулқанд, Сайхун, АВЕ-Мария ва Субҳидам каби навлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Иссиқхоналарда экиладиган барча помидор навлари 2 га бўлинади: индетерминант навлар, ёки бўйи чекланмаган, палаги доимий равишда ўсувчи, гулшодаси ҳар 3 та баргдан кейин жойлашган навлар.

детерминант навлар ёки палагининг ўсиши гулшода пайдо бўлиши билан тугалланувчи гулшодаси ҳар 1-2 та баргдан кейин пайдо бўлувчи навлардир.

Бундан ташқари амалда ҳосилдорлиги анъанавий усулларга қараганда юқори бўлган сабзавот ва мева маҳсулотларин етиштиришнинг замонавий усуллари кўплаб иссиқхона хўжаликларига маълум эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар сони кўшни мамлакатларга экспорт қилувчи Хитой ва Туркиядаги ишлаб чиқарувчиларна солиштирганда, пасайиб бормокда.

Энергия самарадор иссиқхоналар эса хитойлик фермерларнинг ажойиб ихтироси ҳисобланиб, у мева ва сабзавотлар етиштиришни кўшимча иссиқликсиз амалга ошириш имконини беради. Унинг лойиҳаси шундай тузилганки, куз-қиш мавсумларида куёшнинг ҳолатига кўра унинг нурлари иссиқхона ички қисмини ёритиб беради.

## ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ

---

Лойиҳани амалга ошириш уч боскичдан иборат:

1 боскич: Тайёргарлик ишларини ташкил этилиши

**Вакт оралиги:** 1 – 2 ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва паспортини ишлаб чиқиш. Лойиҳа сметасини аниқлаш. Иссиқхона қуриш учун зарур материаллар сотиб олиш юзасидан маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йулга қуйилгандан кейин зарур булган минерал ўғитлар ва буюмлар етказиб бериш буйича келишувлар олиб бориш. Лойиҳага қизиқувчи инвесторларга ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиҳа самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ташкилий ишларни амалга ошириш.

2 – боскич: Ер майдонларида қурилиш ишларини амалга ошириш ва инвестицияни ўзлаштириш: Вакт оралиги: 2 – 3 ой

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳада кўзда тутилган маблағни ўзлаштириб белгиланган барча ишларни амалга ошириш, таъмирлаш қурилишини яқунлаш, асосий воситалар, ускуналар, моддий ресурслар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни топиш.

3–боскич: Нормал иш фаолиятининг йулга қуйилиши.

**Қилинадиган ишлар:** Иссиқхона маҳсулотлари ишларини ташкил этиш, маҳсулот сотишда тушган тушумлар, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб олдиндан кўзда тутилган техник иктисодий асослов буйича хўжалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш 2019 йилнинг биринчи чорагида бошланганлигини ҳисобга олиб чорак якунига қадар барча қурилиш ишларини яқунлаш.

## ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ



Лойиханинг асосий мазмуни озиқ-овқат хусусан иссиқхонада помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштириш, ички ва тпшқи бозорида ўз мавқеига ва рақобат афзалликларига эга бўлиш, ўзини молиявий салоҳияти ва фойдасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лойиха \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманида худудда фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятини иқтисодий самарадорлигини изоҳлаб бериш ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун инвестиция маблағларини жалб этиш учун ишлаб чиқилди.

Ушбу бизнесни бошлаш учун асослар.

**Биринчидан**, ушбу турдаги фаолиятни ташкил этишда худудда етиштириладиган маҳсулотларга талабнинг юқори эканлиги. **Иккинчидан**, ушбу маҳсулотларга қўшни давлатларда юқори талаб ва эҳтиёж мавжуд эканлиги сабабли жаҳон бозорида барқарор ўсиб боровчи юқори талабни мавжуд эканлиги сабабли юқори фойда олишга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Лойиха асосан жамиятнинг чет давлатлар аҳолиси ва мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг талабини қондириш орқали фойда олиш, корхона маҳсулот сифатини жаҳон меъёрлари ва стандартлари даражасига етказиш, уни давр талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжи даражасида айланма маблағлар фондиди ташкил этишни кўзлайди.

Стратегик жихатдан корхона ўз олдига юқорида айтиб утилган барча мақсадларга эришишни, ва лойиха даврида (5 йил) тулаконли тухтовсиз ишловчи комплексни яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жихатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва худуд аҳолиси учун қишқи мавсумларда юқори сифатли, иссиқхона маҳсулотлари етиштириш базасини яратишни мақсад қилиб қўяди. Корхона ушбу мақсадларга эришиш орқали мамлакатимизда помидор ва бодринг маҳсулотлари тайёрлаш фаолиятини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичида вилоятимизда етакчи уринлардан бирини эгаллашни, истикболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини қўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида хужалик олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда йирик корхона сифатида маҳсулотлар бозорида кўзга қўринган корхоналардан бирига айланиб, бозорнинг 10-15 % ортиқроқ улушини эгаллашни. Ун йилдан сунг эса бу курсаткични қўшимча инвестициялар жалб қилиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар тажрибасига ва инновацион технологияларни қўллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориб 20-25 % гача етказишни ўз олдига истикболли режалардан бири илиб белгилайди.



## ЛОЙИХА АСОСИГА КУЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Инвестиция маблағлари ҳисобига сотиб олинishi режалаштирилган қурилиш материаллари ва кўчатлар қиймати – **2 000,0 млн. сўм**.

Лойиха муддати – 5 йил.

Маҳсулот сотишдан тушган йиллик тушум (урта ҳисобда) – **3300,4 млн. сўм** Солиқ туловлари амалга оширилгунга қадар булган фойда (урта ҳисобда) – **2093 млн. сўм**

Урта ҳисобдаги йиллик соф фойда – **1835,3 минг сўм**

Лойиханинг тула қопланиш муддати – **60 ой**

<b>Лойиха самарадорлигининг интеграл курсаткичлари</b>	
Курсаткич	Мазмуни
Лойиханинг ялпи даромаддан узини оқлаш муддати	48 ой
Лойиханинг солиқлар тулангунга қадар олинган фойдадан оқланиш муддати	54 ой
Кредит қайтарилгандан кейинги соф фойдадан оқланиш муддати	60 ой
Уртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	12,0
Лойиха даври (бир циклик давр назарда тутилмоқда)	1 йил=12 ой
Тула оқланиш даври	5 йил

Лойиханинг умумлашган «Монте – Карло» усулидаги таҳлили шуни курсатадики, хатто фаолият ривожининг пессемистик сценарийси барқарор курсаткичларга эга ва ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиханинг уз узини оқлаш муддатининг лойиха давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессемистик прогнозларда (паст нархлардаги савдони назарда тутиб) юқорилиги, яъни ялпи харажатга нисбатан 50 % ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойихани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди. Бундан ташқари лойиханинг доимий хизмат кўрсатиш характерга эга эканлиги ҳисобга олсак, бу ишловчиларни доимий иш билан таъминлаш имкониятлари мавжудлиги ва лойихадаги инвестиция маблағидан бир эмас бир неча мартаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тула қайтарилишининг рисклардан холи равишда қафолатланганлиги ва фаолиятни бир марталик маҳсулот сотилишида ўзини оқлаб, фойда келтирилишини лойиханинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди. Бу эса уз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

## ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ ТАЪСИСЧИЛАРИ



\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_  
 МФЙ, истикомат килувчи Ўзбекистон Республикаси  
 фукароси \_\_\_\_\_ (Паспорт серияси:  
 АА № \_\_\_\_\_, 05 \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилда  
 \_\_\_\_\_ туман ИИБ

томонидан берилган)- \_\_\_\_\_ %  
 Ташаббускор лойиха раҳбари: \_\_\_\_\_

Асосий инвесторлар:

1. Ташаббускор ўз маблағлари
2. Кредит маблағлари

Бугунг кунда иссиқхона маҳсулотларига бўлган талаб айниқса яқин чет Давлатларда катта талаб мавжуд бўлиб, ушбу талаб ва эҳтиёжларни инобатга олиб, ташаббускор томонидан 2000,0 млн.сўм миқдорида инвестиция ўзлаштиришни ўз олдига мақсад килиб қўяди.

### Корхонанинг 2018 йил якуни курсаткичлари

МИНГ СУМ

АКТИВЛАР		2017 йил	2018 йил	Ўзгариш (+.-)
1	Узок муддатли активлар	0,0	0,0	0,0
2	Жорий активлар	0,0	0,0	0,0
<b>ЖАМИ</b>		0,0	0,0	0,0
ПАССИВЛАР				
1	Ўз маблағлари манбаалари	0,0	0,0	0,0
2	Узок муддатли мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0
3	Жорий мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0
<b>ЖАМИ</b>		0,0	0,0	0,0

### Молиявий курсаткичлари

№	Курсаткич номи	2017 йил	2018 йил
1	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	0,0	0,0
2	Сотилган маҳсулот таннари	0,0	0,0
3	Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	0,0	0,0
4	Давр харажатлари	0,0	0,0
5	Асосий фаолиятнинг фойдаси	0,0	0,0
6	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	0,0	0,0
7	Молиявий харажатлар	0,0	0,0
8	Молиявий фаолиятнинг бошка харажатлари	0,0	0,0
9	Даромад солиги тулагангунга кадар фойда	0,0	0,0
10	Солик туловлари	0,0	0,0
11	Хисобот даврининг соф фойдаси	0,0	0,0

## МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЖАРАЁНИ ТАВСИФИ

Сабзавотларни иссиқхонада етиштириш жараёни бир нечта даврларни ўз ичига олади:

- ✓ иссиқхонани қуриш (ёки тайёр олинган иссиқхонани ўрнатиш);
- ✓ ерларни тайёрлаш;
- ✓ кўчатларни ўстириш учун тувакларни тайёрлаш;
- ✓ уруғларни тувакларга экиш 1-давр - 5 феврал, 2-давр - 15 август;
- ✓ кўчатларни ўстириш;
- ✓ ҳар 1 метр кв.жойга 3 донадан кўчат қўйиш;
- ✓ кўчатларни шпалерга боғлаш;
- ✓ ўсимликларни касалликлар ва зараркунандалардан биологик ҳимоя қилиш;
- ✓ ўсимликларни қўшимча озиқлантириш (ўғитлаш);
- ✓ ўсимликларни суғориш;
- ✓ бегона ўтларга қарши курашиш;
- ✓ ҳосилни йиғиб олиш: 1-давра 5 апрелдан 20 июнгача; 2-давра 20 октябрдан 30 ноябргача;
- ✓ помидор ва бодрингларни қадоклаб қутиларга жойлаштириш.

### Бодринг етиштириш

Бошқа сабзавотларга караганда, бодринг кўчати нисбатан 2 хил кўринишда экилади: иссиқхонали; жўяк олиб экиш.

Бодрингларни ўстириш учун ер ости сувлари ер устига яқин жойлашган, органик бирикмаларга бой, намдорлиги юқори бўлган ҳосилдор ерлар танланади. Айниқса енгил ва юмшоқ тупроқли ерлар керак бўлади. Шўрланган участкаларда бодринглар ёмон ўсиб, яхши ҳосил бермайди.

Бодрингларни олдин картошка, карам, сабзи, лавлаги етиштирилган ерларга экиш мумкин. Агар бодринглар шу ерларга биринчи марта экиладиган бўлса, ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Аввал полиз экинлари ва помидор экилган ерларга бодринг экиш тавсия қилинмайди. Бодрингни битта участкада кетма-кет 2 йилдан кўп бўлмаган ҳолатда экиш мумкин ва қайта экиш учун эса камида 3 йил ўтиши керак.

### Маҳаллий навлар:

Ранний -65; Ўзбекистон-740; Зилол; Наврўз; Омад; Талаба;

**Четдан келтирилган навлар:** *Алиби; Аякс; Регал; Суперина; Аякс; Кураж; Экспоза; Мультистар.*



## Помидор етиштириш

Наманган вилоятида помидорлар яхши ўсади ва ер ости сувлари чуқур бўлмаган, сермоҳ, ўт-ўланли ва ўт-ботқоқли ерларда яхши ҳосил беради. Қум тупроқли ерлар помидорларни етиштириш учун тўғри келмайди.

Помидоргача карам, бодринг ва пиёз етиштирилган ерлар қулай ерлар ҳисобланади.

Помидорларни олдин картошка, бақлажон, қалампир каби умумий касалликлари бир ҳил бўлган ўсимликлар экилган жойга экиш тавсия этилмайди. Помидор экилган ерларга яна қайтадан экиш фақат 3 йилдан кейин мумкин бўлади.

Сурхондарё вилоятида етиштириш тавсия этиладиган помидор навлари<sup>1\*</sup>:

### **Маҳаллий навлар:**

*Тошкент тонги; ТМК-22; Ўзбекистон-178; Шарқ Юлдузи; Ситора; Гульканд; Субхидам; Авиценна; Сурхон-142; Дўстлик; Дони-2000; Сахий; Заковот; Совга; Осий; Л-94; Л-46; Л-25.*

Бу навларнинг охириги 6 таси Сурхондарё илмий-тажриба станциясида ўрганилган бўлиб, уларнинг мевалари транспортбоплиги ва турли касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради.

### **Четдан келтирилган навлар:**

*Султан; Бенито; Бело Росо; Бонаке; Дили; Дуал Эрли; Инди; F<sub>1</sub> Фенда; F<sub>1</sub> Торри; F<sub>1</sub> Белла; F<sub>1</sub> Буран; F<sub>1</sub> Видетта; F<sub>1</sub> Астона; F<sub>1</sub> Шарлотта.*

Экиш муддати: 20 феврал – 5 март. Кўчатлар сони – 1 гектарга 31,0 минг дона.



**Жадвал № 1. Бажариладиган ишларни тармок жадвали**

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	2021 йил		
		Июнь	Июль	Август
1	Бизнес план ишлаб чиқиш			
2	Амалга ошириладиган қурилиш учун смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш			
3	Инвесторларга ишлаб чиқилган лойиха ҳужжатларни тақдим этиш			
4	Инвесторлар томонидан молиялаштиришни очилиши			
5	Қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш			
6	Ишлаб чиқариш технологиялари ва ускуналарини сотиб олиш			
7	Лойиҳани синовдан ўтказиш			

**МАХСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҚУВВАТЛАРИ**

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уч хил усул билан тайёрланади.

1. Уруғни тувакчаларга экиш усули билан.
2. Уруғни махсус тайёрланган жойга шаблон усулида экиш усули билан.
3. Пикировка қилиш усули билан.

1 Га майдонга етарли кўчат олиш учун 25 – 30000 та уруғ олинади. Кўчат етиштириш учун яхши чириган гўнг ва унумдор тупроқ билан 5/1 нисбатда аралаштирилади. Ушбу аралашма буғлаш ёрдамида дезинфекция қилиниш керак. Уруғлар ораси 5 – 15 см гача ораликда 1,5 – 2 см чуқурликда экилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иссиқхона махсулотлари етиштириш технологияси тизимли равишда олиб борилади. Хозирда хўжалик эҳтиёжи учун 2 гектар ер майдони талаб этилиб, ушбу майдонни 1 гектарида помидор ва 1 гектарида бодринг етиштирилади. Иссиқхона хўжалиги фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш учун режалаштирилаётган харажат ва даромадлар ҳисоб-китоби амалга оширилиши лозим. Иссиқхона хўжалигида 10 000 м.кв майдонда помидор ва 10 000 м.кв майдонда бодринг етиштириш мўлжаллаган.

Кейинги босқичда иссиқхона хўжалигининг бир йиллик ялпи даромади ҳисоб-китоб қилинади. Бир мавсум давомида жами 300 000 кг бодринг ва 250 000 кг помидор савдога чиқарилади.

Улгуржи савдо шаклида 200 000 кг бодринг (3000 сўм/кг) ва 150 000 кг помидор (3500 сўм/кг), чакана савдо шаклида эса 100 000 кг бодринг (4000 сўм/кг) ва 100 000 кг помидор (5000 сўм/кг) сотилади.

### **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Ушбу лойиха бўйича ишчи кучи ва ходимларга булган талаби 17 тани ташкил килади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил килиб, колган 15 киши махсулот етиштиришда иштирок этади.

Маъмурий ходимлар таркиби жамият рахбари. ҳисобчи ва таъминотчи ходимлар ҳисобланади.

Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 17:00 гача

### **ИШЧИЛАРГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ**

Корхонада ишловчи ходимлар малакали ишчи кучи ва билим талаб килади. Шу сабабли, ишга олинadиган ходимларга талаблар кўйилган.

Жумладан: Маъмурият ходимларига кўйиладиган талаблар: олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ўхшаш соҳада маълум бир тажриба эга бўлиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.

Ишчи-хизматчи ходимларга кўйиладиган талаблар: энг камида ўрта-маҳсус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ўхшаш соҳада камида бир йил фаолият кўрсатган бўлиши керак.

Булардан ташқари тартиб–интизом, ростгуйлик, инсоф ва ҳаққонийлик, маҳаллий халқ анъаналари ва удумлари билан танишлик, 1 тадан ортик тилни билиш каби ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Корхона томонидан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўқув-малака амалиётлари, айнаи ёки ўхшаш фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон ҳудудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш, ўз соҳаси бўйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб туриш каби ишлар режалаштирилган.

### **ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ**



Юкорида таъкидлаб ўтилганидек ташкил этилиши мўлжалланаётган ишлаб чиқаришда барча энерготаъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд. Таъмирлаш смета лойихасида уларга тўлиқ уланиш кўзда тутилган.

Ўрта ҳисобда сув сарфи асосан иссиқхонада қўчатларни суғориш ва ишчи ходимларни ичимлик таъминоти учун сарфланади.

Электро энергия сарфи асосан электр қурилмаларни ишлатиш ва биноларни ёритиш учун сарфланади.

Электроэнергия ва бошқа ресурслар таъминотининг зарурий микдори йилдан йилга ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ёки ускуналарни жисмонан ва маънавий эскириши хисобидан ошиб бориши тахмин килиниб, ошиб бориш курсаткичи 0,5 га тенг (яъни 5 %) деб олинди.

Электроэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади ва №14 жадвалда ойлик ва йиллик тўловлари кўрсатиб ўтилган.

## ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ БОЗОР ШАРОИТИНИНГ ТАХЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислохотлар туб негизи аҳолини ижтимоий – иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Хозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва аҳолини озик-овкат маҳсулотларига бўлган талабини кондиритиш ва бозор иқтисодини асосий талабидир. Жамият ўз имкониятларидан ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот етиштириш фаолиятини ривожлантиришни режалаштирган. Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлган талабни мавжудлигини аниқлашда бир қатор изланишлар олиб боради.

### БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ ТАХЛИЛИ



Маблағини ўзлаштириш орқали жамият ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш билан қуйидаги талабларни кондиритиш режалаштирилмоқда:


-Кўпчиликка манзур бўладиган арзон, сифатли ва иссиқхона маҳсулотлар етиштириш;

-Реклама асосида аҳоли, бюджет ташкилотлари ва турли муассасаларга таклиф қилиш ва буюртмачи талабини тўлақонли қондириш;


-Мижозларни талабини қондиришда имтиёзлар ва уларни рағбатлантиришни режалаштириш.

### Жамият томонидан олиб бориладиган фаолиятни зарарли таъсири тушунчаси.

1). ➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар.



2). ➤ Маҳсулот етиштириш давомида жамият томонидан йўл қўйиладиган хатолар ва камчиликлар ҳисобига зарар кўриши сабаблари.





## БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ



- ✓ Чет Давлатларга экспорт
- ✓ Қушни вилоятлар аҳолиси
- ✓ Вилоятимиз аҳолиси

### Худуддаги рақобатчилар таҳлили

Ташаббускор томонидан ишлаб чиқариш режалаштирилаётган лойиҳада рақобатчилар ўрганилганда вилоятимизда ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ва деҳқон фермер хўжаликлар мавжудлиги аниқланди.

### Маркетинг мажмуи «4р»


<p><b>Produkt-Маҳсулот</b></p> <p>Сифатли ва қулай нархдаги иссиқхона маҳсулотлари</p>	<p><b>Price-нарх</b></p> <p>Нарх қўйиш тамойили мижозларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади.</p>
<p><b>Place-Жой</b></p> <p>Бизнес худуд – корхона _____ шаҳар худудида ўз фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан қўшни вилоят ва туманлар ҳамда Тошкент шаҳри буйлаб маҳсулот етказиб бериш имконияти мавжуд.</p>	<p><b>Promotion- Харакатланиш</b></p> <p>Ўз пештахта, афишалар, телевидения оркали реклама ва Ўзбекистон савдо саноат палатасининг расмий веб сайтидан ва «Yellow pegas» каталогли журналларидан ҳамда <a href="http://www.alibaba.com">www.alibaba.com</a> глобал тармоги оркали ҳаридорларни жалб этади.</p>

## Маркетинг матрицаси

№	Мазмуни	Сегмент 1	Сегмент 2	Сегмент 3
1	Мижозлар тавсифи	Вилюятимиз аҳолиси	Кушни вилюятлар	Чет Давлатлардаги ташаббускор ва ташкилотлар
2	Истеъмол хажми	10 %	10 %	80 %
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	Наманган вилюяти аҳолиси	Андижон ва Фарғона вилюятлари	Россия ва МДҲ давлатлари
4	Махсулотга талабнинг камайиши, купайиши ёки баркарорлиги	Кўпаяди	Кўпаяди	Кўпаяди
5	Махсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Ўрта	Юқори
6	Махсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Мақбул нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат

## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРХ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### 2- График. Талаб ва таклиф мутаносиблиги.



#### Шартли белгилар:

- $Q$  – Бозорга олиб чиқилган махсулот
- $P$  – Сотилган махсулот нархи
- $T_d$  – махсулотга бўлган потенциал талаб
- $T_f$  – махсулотнинг потенциал таклифи
- $O$  – Талаб ва таклифнинг оптимал ҳолати (нарх ва махсулот миқдорининг оптимал кесилиш нуктаси)

## ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида маҳсулот сотиб олувчилар тўлов қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу маҳсулотлар эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамадан чет Давлатларда катта потенциал талаб мавжуд.

### SWOT ТАХЛИЛ

<p style="text-align: center;"><b>S Кучли томонлар</b></p> <p>Илгари шу фаолият билан шугулланилган++            Бизнес учун жуда қулай ҳудудда жойлашган+            Маҳсулотга булган талабнинг мавжудлиги ++            Қисман зарурий техникаларнинг мавжудлиги+</p>	<p style="text-align: center;"><b>W –Кучсиз томонлар</b></p> <p>-Кучли брендга эга эмаслиги++</p>	<p>Кучли томонлар 6 та            Кучси томонлар 2 та  <b>S&gt;W</b></p> <hr/> <p>++S 2 та            ++W 1 та</p> <hr/> <p>++S&gt;++W</p>
<p style="text-align: center;"><b>Q Имкониятлар</b></p> <p>Чиқарилаётган Қарор ва Фармонларда хизмат кўрсатишга эътиборнинг ортиб бориши++            Хизмат турини кенгайтириш+            Муассаса ЎзССП аъзоси ++</p>	<p style="text-align: center;"><b>T-Тусиклар</b></p> <p>-Кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши+            -Тўлов қобилитини номуайянлиги++</p>	<p>Имкониятлар 5 та            Тусиклар 3 та  <b>Q&gt;T</b></p> <hr/> <p>++O 2 та            ++T 1 та            ++O&gt;++T</p>

Жамият томонидан аҳолии, қорхона ва ташкилотлар талаб ва эҳтиёжлари урганлиди. Натижада вилоятимиз ва қўшни вилоят ва туманларда ушбу маҳсулотга бўлган талабнинг юқори эканлиги аниқланди. Лойиҳанинг 80 % дан юқори қисми вилоятимиз фуқаролари учун кўрсатилганлиги сабабли лойиҳа тулалигича ўзини ўзи қоплаши юқоридаги жадал асосида кўрсатиб берилган. Лойиҳанинг кучли томонлари 6 тани кучсиз томонлари 2 тани, Имкониятлари 5 тани, тусиклари эса 3 тани ташкил қилиши лойиҳа долзарб эканлигини тасдиқлайди.

### МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда масъуляти чекланган жамияти томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни сотиш бўйича харидор ва буюртмачиларни жалб қилишни ташкил этиш масалалари қуриб чиқилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотилишида маркетингни муваффақиятли ташкил этиш учун қорхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар тўлов миқдори юқори бўлмаса) режалаштирилган. Ундан ташқари Чуст тумани ва яқин туманларда турли реклама акциялар ўтказиш ва харидорлар диққатини жалб этиш ҳам қўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби бу ишлар қорхона фойдаси ҳисобидан амалга

оширилади. Хамкорлик асосида корхонанинг фойдаланилмаётган кувватларидан тўлиқ фойдаланиш ётади.

Рекламар уюштириш дастурида **10000** дон таркатма материаллар ишлаб чиқиш ва таркатиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, булардан ташқари яна **10 000 000** сўм маблағ самарали ва қулай реклама турларига сарфланиши мумкин.

## ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

### 4-жадвал. Лойиха тугрисида қисқача маълумот

Лойиханинг номланиши	Иссиқхона маҳсулотлари етиштириш фаолиятини ташкил этиш
Лойиха мақсади	Гидропоника усулида иссиқхона ташкил этиш айланма маблағларни шакиллантириш
Лойиха кувватлари (100%)	
Лойиха суммаси (сум)	2 000,0 млн. сўм
Лойиха иштирок этадиган шахсий инвестиция	1 000,0 млн. сўм
Лойиха катнашадиган кредит маблағи	1 000,0 млн. сўм
Лойихада режалаштирилаётган уртача йиллик соф фойда	1080,0 минг доллар
Лойиха муддати	5 йил
Лойихани режалаштириш санаси	2019 йилнинг IV-чораги
Лойиха ташаббускори	Корхона таъсисчилари ва ижрочилар
Лойиха ташаббускорининг манзили:	Наманган вилояти, Наманган тумани ҳудуди
Лойиха ташаббускорининг телефон рақами	



**УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ  
МАНБААЛАРИ**

**Жадвал № 5. Инвестиция маблагларининг сарфланиши ва  
молиявий харажатлар**

№	Технологиялар номи	Майдони м.кв	Жами	Шу жумладан	
				Ўз маблаг	Кредит маблағи
1	Гидропоник усулда иссиқхона қуриш	3 000	1 500 000	500 000	1 000 000
2	Айланма маблаг, уруглик ва кўчат сотиб олиш		500 000	500 000	0,0
	<b>ЖАМИ</b>		<b>2 000 000</b>	<b>1 000 000</b>	<b>1 000 000</b>

минг сўм

**Гидропоник усулда ташкил этиладиган иссиқхоналарни  
намунавий лойихаси**



**В. Инвестиция гаров таъминоти****Жадвал № 6**

Гаров характеристикаси		%	Жами киймати доллар	Гаровга куйилаётган киймат доллар
Мулк тури	Мулк эгаси		1 250 000	1 250 000
Жамият балансидаги нотураар бино ва иншоатлар	Корхона таъсисчилари	100 %	1 250 000	1 250 000

**С. Кредит гаров таъминотини сугурталаш**

Харажатлар номи	Тўлов миқдори	Жами тўлов миқдори
<b>Д. Инвестицион фаолият олди молиявий харажатлари</b>		
<b>Молиявий харажат тури</b>	<b>%</b>	<b>минг сўм</b>
Руйхатга олиш тулови (нотариус)	0,1%	1250
Сугурта мукофоти	1,0 %	3750
Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	10 минимал	400
Кузда тугилмаган бошка харажатлар	0,1%	1000
<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>	<b>6400</b>

**Жадвал № 8. Умуминвестицион харажатлар ва молиялаштириш манбаалари****Жадвал № 8**

№	Курсаткичларнинг номланиши	Миллий валюта	Хиссаси (%)
1	Гидропоник иссиқхоналар қурилиш киймати	1 500 000	75
2	Уруглик ва кучат маҳсулотлари сотиб олиш	493 600	24,7
3	Руйхатга олиш тулови (нотариус)	1250	0,03
4	Сугурта мукофоти	3750	0,06
5	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	400	0,008
6	Кузда тугилмаган бошка харажатлар	1000	0,05
<b>Жами лойиханинг бошлангич киймати</b>		<b>2 000 000</b>	<b>100</b>

### В. Молиялаштириш манбаалари

минг сўм

№	Курсаткичлар номи	Шахсий маблағ иштироки	Кредит маблағи	Жами қиймати
1	Гидропоник иссиқхоналар қурилиш қиймати	500 000	1 000 000	1 500 000
2	Уруғлик ва кучат маҳсулотлари сотиб олиш	493 600	0,0	493 600
3	Рўйхатга олиш тулови (нотариус)	1250	0,0	1250
4	Сугурта муқофоти	3750	0,0	3750
5	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	400	0,0	400
6	Кузда тутилмаган бошқа харажатлар	1000	0,0	1000
<b>ЖАМИ</b>		<b>1 000 000</b>	<b>1 000 000</b>	<b>2000 000</b>
<b>ФОИЗДА</b>		<b>50 %</b>	<b>50 %</b>	<b>100 %</b>

### С. Жами молиялаштириш ва манбаалар

№	Номланиши	Миллий валютада (минг сум)	Чет эл валюта (USD)	Структура %
1	Шахсий маблағ иштироки	1 000 000	120 000	50,0
2	Кредит маблағи ҳисобидан	1 000 000	120 000	50,0
<b>ЖАМИ МОЛИЯЛАШТИРИШ</b>		<b>2 000 000</b>	<b>240 000</b>	<b>100 %</b>



**МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАЖМИ****Жадвал № 9. Маҳсулот етиштириш хажми**

кг

№	Номи	1- йил	2- йил	3- йил	4- йил	5-йил	Жами
1	Помидор	500 000	505 000	510 000	512 000	515 000	<b>2 542 000</b>
2	Бодринг	600 000	605 000	610 000	612 000	615 000	<b>3 042 000</b>

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ КИЙМАТИ****Жадвал № 13. Етиштирилган маҳсулот киймати**

млн. сум

№	Номи	Нархи (сум)	1- йил	2- йил	3- йил	4- йил	5-йил	Жами
1	Помидор	3500	1750,0	1767,5	1785,0	1792,0	1802,5	<b>8897,0</b>
2	Бодринг	2500	1500,0	1512,5	1525,0	1530,0	1537,5	<b>7605,0</b>
	<b>ЖАМИ</b>		<b>3250,0</b>	<b>3280,0</b>	<b>3310,0</b>	<b>3322,0</b>	<b>3340,0</b>	<b>16 502,0</b>



**МАТЕРИАЛ САРФ – ХАРАЖАТЛАР**

**Жадвал № 16. Технологик карталарга асосан 1 гектар ер майдонида  
помидор етиштириш харажатлари таркиби**

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича					Жами харажатлар
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Кўчат ва ўғит харид қилиш харажатлари	1 915	1 954	2 011	2 049	2 088	10 016
2	Ёнилғи (табiiй газ, кўмир ёки бошқа) учун харажат	132	135	139	141	144	690
3	Иш хаки	2 037	2 139	2 241	2 342	2 444	11 203
4	Электр энергия учун харажат	46	47	48	49	50	240
5	Транспорт харажатлари	48	49	50	51	52	251
6	Бошқа харажатлар	216	220	227	231	235	1 130
	<b>ЖАМИ</b>	<b>4 394</b>	<b>4 543</b>	<b>4 715</b>	<b>4 864</b>	<b>5 013</b>	<b>23 530</b>

**Жадвал № 16. Жами ер (1 га) майдонида **помидор** етиштириш харажатлари таркиби**

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича					Жами харажатлар
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Кўчат ва ўғит харид қилиш харажатлари	191 520	195 350	201 096	204 926	208 757	1 001 650
3	Ёнилғи (табiiй газ, кўмир ёки бошқа) учун харажат	13 200	13 464	13 860	14 124	14 388	69 036
4	Иш хаки	203 688	213 872	224 057	234 241	244 426	1 120 284
5	Электр энергия учун харажат	4 584	4 676	4 813	4 905	4 997	23 974
6	Транспорт харажатлари	4 800	4 896	5 040	5 136	5 232	25 104
8	Бошқа харажатлар	21 600	22 032	22 680	23 112	23 544	112 968
	<b>ЖАМИ</b>	<b>439 392</b>	<b>454 290</b>	<b>471 546</b>	<b>486 444</b>	<b>501 343</b>	<b>2 353 016</b>

**Жадвал № 16. Технологик карталарга асосан 1 гектар ер майдонида  
бодринг етиштириш харажатлари таркиби**

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича					Жами харажатлар
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Кўчат ва ўғит харид қилиш харажатлари	1 277	1 302	1 341	1 366	1 392	6 678
3	Ёнилғи (табiiй газ, кўмир ёки бошқа) учун харажат	88	90	92	94	96	460
4	Иш хаки	1 358	1 426	1 494	1 562	1 630	7 469
5	Электр энергия учун харажат	31	31	32	33	33	160
6	Транспорт харажатлари	32	33	34	34	35	167
8	Бошқа харажатлар	144	147	151	154	157	753
	<b>ЖАМИ</b>	<b>2 929</b>	<b>3 029</b>	<b>3 144</b>	<b>3 243</b>	<b>3 342</b>	<b>15 687</b>

**Жадвал № 16. Жами ер майдонида бодринг етиштириш харажатлари таркиби**

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича					Жами харажатлар
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Кўчат ва ўғит харид қилиш харажатлари	127 680	130 234	134 064	136 618	139 171	667 766
3	Ёнилғи (табiiй газ, кўмир ёки бошқа) учун харажат	8 800	8 976	9 240	9 416	9 592	46 024
4	Иш хаки	135 792	142 582	149 371	156 161	162 950	746 856
5	Электр энергия учун харажат	3 056	3 117	3 209	3 270	3 331	15 983
6	Транспорт харажатлари	3 200	3 264	3 360	3 424	3 488	16 736
8	Бошқа харажатлар	14 400	14 688	15 120	15 408	15 696	75 312
	<b>ЖАМИ</b>	<b>292 928</b>	<b>302 860</b>	<b>314 364</b>	<b>324 296</b>	<b>334 229</b>	<b>1 568 677</b>

**Жадвал № 16. Жами ер майдонида помидор ва бодринг етиштириш харажатлари  
ТАРКИБИ**

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича					Жами харажатлар
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Кўчат ва ўғит харид қилиш харажатлари	319 200	325 584	335 160	341 544	347 928	1 669 416
3	Ёнилғи (табiiй газ, кўмир ёки бошқа) учун харажат	22 000	22 440	23 100	23 540	23 980	115 060
4	Иш хаки	339 480	356 454	373 428	390 402	407 376	1 867 140
5	Электр энергия учун харажат	7 640	7 793	8 022	8 175	8 328	39 957
6	Транспорт харажатлари	8 000	8 160	8 400	8 560	8 720	41 840
8	Бошқа харажатлар	36 000	36 720	37 800	38 520	39 240	188 280
	<b>ЖАМИ</b>	<b>732 320</b>	<b>757 151</b>	<b>785 910</b>	<b>810 741</b>	<b>835 572</b>	<b>3 921 693</b>

## ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

### Жадвал № 24. Штатлар жадвали ва йиллик иш хаки фонди



минг сўм						
№	Штат номи	Штат бирлиги	Ойлик иш хаки	Ижтимоий сугурта ажратмалари 15 %	Жами ойлик иш хаки	Жами йиллик иш хаки
<b>Бошқарув персонали</b>						
1	Раҳбар	1	1156	204	1360	16 320
2	Бухгалтер	1	1063	188	1250	15 000
3	Таъминотчи	3	2805	495	3 300	39 600
	<b>Жами</b>	<b>5</b>	<b>5 024</b>	<b>887</b>	<b>5 910</b>	<b>70 920</b>
<b>Асосий ишлаб чиқаришда</b>						
4	Ишчилар	10	10 500	1575	12 075	144 900
	<b>Жами</b>	<b>10</b>	<b>10 500</b>	<b>1575</b>	<b>12 075</b>	<b>144 900</b>
<b>Ёрдамчи ишлаб чиқаришда</b>						
7	Агроном	1	1000	150	1150	13 800
8	Шофёр	1	800	120	920	11 040
9	Коровул	2	700	105	805	9 660
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>2500</b>	<b>375</b>	<b>2875</b>	<b>34 500</b>
	<b>Умумий</b>	<b>17</b>	<b>29 624</b>	<b>4577</b>	<b>34200</b>	<b>410 400</b>

## Жадвал № 24а. Иш хаки фондининг йилдан йилга ўсиб бориши

МИНГ СУМ

№	Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	Жами
1	Бошқарув аппарати ходимлари иш хаки	60 288	63 302	66 317	69 331	72 346	331 584
	<i>Бошқарув ходимлари иш хакидан ажратма 15 %</i>	<i>10 644</i>	<i>11 176</i>	<i>11 708</i>	<i>12 241</i>	<i>12 773</i>	<i>58 542</i>
2	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар	295 200	309 960	324 720	339 480	354 240	1 623 600
	<i>Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд булган ходимлар иш хакидан 15 % ажратма</i>	<i>44 280</i>	<i>46 494</i>	<i>48 708</i>	<i>50 922</i>	<i>53 136</i>	<i>243 540</i>
3	<b>Жами иш хаки учун амалга оширилган харажатлар</b>	355 488	373 262	391 037	408 811	426 586	1 955 184
	<i>Иш хакидан жами ажратмалар 15 %</i>	<i>54 924</i>	<i>57 670</i>	<i>60 416</i>	<i>63 163</i>	<i>65 909</i>	<i>302 082</i>
	<b>ЖАМИ ИШ ХАКИ ХАРАЖАТЛАРИ</b>	<b>410 400</b>	<b>430 933</b>	<b>451 453</b>	<b>471 974</b>	<b>492 494</b>	<b>2 257 266</b>

### ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 25. Маъмурий бошқарув биноларини иситиш ва ёритиш билан боғлиқ  
коммунал харажатлар**

минг сўм

№	Харажат тури	Кунлик сарфи	Нархи (сўм)	Кунлик харажат	Шу жумладан йиллар бўйича						Жами
					1-ойда	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Электр энергияси (кВт)	10	260	2,6	67,6	811,2	851,8	892,3	932,9	973,4	4 461,6
2	Табиий газ (м.куб)	15	300	4,5	117,0	1 404,0	1 474,2	1 544,4	1 614,6	1 684,8	7 722,0
3	Ичимлик суви (м.куб)	10	1 760	17,6	457,6	5 491,2	5 765,8	6 040,3	6 314,9	6 589,4	30 201,6
	<b>Жами</b>			<b>24,7</b>	<b>642,2</b>	<b>7 706,4</b>	<b>8 091,7</b>	<b>8 477,0</b>	<b>8 862,4</b>	<b>9 247,7</b>	<b>42 385,2</b>



### АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ

#### ЖАДВАЛ № 26. АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ ХИСОБИ

МИНГ СУМ

№	Амортизация объекти	Асосий воситалар киймати	Амортизация ставкаси	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	Жами
<b>Корхона балансидаги мавжуд асосий воситалар</b>									
1	Бино ва иншоотлар	1 500 000	10 %	365 500	347 225	329 864	313 371	297 702	1 653 661
	<b>Жами</b>			<b>372 500</b>	<b>353 525</b>	<b>335 534</b>	<b>318 474</b>	<b>302 295</b>	<b>1 682 327</b>

**ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ**  
**ЖАДВАЛ № 27. ЯЛПИ МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ**  
**(ТАННАРХ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ)**

МИНГ СЎМ

№	Харажат турлари	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	Жами
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар	732 320	757 151	785 910	810 741	835 572	3 921 693
2	Коммунал харажатлар (газ ва сув)	7 706,4	8 091,7	8 477,0	8 862,4	9 247,7	42 385,2
3	Амортизация ажратмалари	372 500	353 525	335 534	318 474	302 295	1 682 327
	<b>Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи</b>	<b>1 112 526</b>	<b>1 118 768</b>	<b>1 129 921</b>	<b>1 138 077</b>	<b>1 147 114</b>	<b>5 646 405</b>

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБ-КИТОБИ

### Жадвал № 29. Даромадлар ҳисоби

(млн. сўм)


№	Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	Жами
1	Маҳсулот ишлаб чиқаришдан жами тушум	3250,0	3280,0	3310,0	3322,0	3340,0	16 502,0
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	1 112,5	1 118,7	1 130,0	1 138,0	1 147,1	5 646,4
<b>3</b>	<b>Ялпи даромад</b>	<b>2 137,4</b>	<b>2 161,2</b>	<b>2 180,0</b>	<b>2 183,9</b>	<b>2 192,8</b>	<b>10 855,6</b>
4	Бошқарувда ходимлари иш хаки	60,3	72,3	78,3	90,4	96,5	397,9
5	<i>Бошқарув ходимлари иш хаки ажратма 15%</i>	<i>10,6</i>	<i>12,7</i>	<i>13,8</i>	<i>15,9</i>	<i>17,0</i>	<i>70,3</i>
<b>6</b>	<b>Солиқлар тулангунга қадар олинган фойда</b>	<b>2 066,5</b>	<b>2 086,7</b>	<b>2 102,0</b>	<b>2 102,3</b>	<b>2 107,7</b>	<b>10 465,5</b>
7	Солиқ туловлари 12%	247,9	250,4	252,2	252,2	252,9	1 255,8
8	Банк хизмати туловлари (0,2 % тушумдан)	6,5	6,56	6,62	6,64	6,68	33,00
<b>9</b>	<b>Фойда</b>	<b>1 812,0</b>	<b>1 829,8</b>	<b>1 843,2</b>	<b>1 843,4</b>	<b>1 848,1</b>	<b>9 176,6</b>
	Кредит маблағларини қайтарилиши	189,2	285,1	267,4	249,6	231,8	1223,3
<b>10</b>	<b>Соф фойда</b>	1622,8	1544,7	1575,8	1593,8	1616,3	7953,3
11	Рентабеллик % (7/2)	25,2	27,8	27,8	27,9	27,9	27,3
12	Соф рентабеллик % (11/2)	0,45	0,42	0,42	0,42	0,42	0,4

**ПУЛ ОКИМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОКИМИ**

**Жадвал № 30**

(млн. сўм)

№	КЎРСАТГИЧЛАР	Шу жумладан йиллар бўйича					
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	Жами
<b>I</b>	<b>Хисоб рақамига жами тушум</b>	3250,0	3280,0	3310,0	3322,0	3340,0	16 502,0
<b>II</b>	<b>Хисоб рақамидан харажат</b>						
1	Ишлаб чиқариш харажатлари	1 112,5	1 118,7	1 130,0	1 138,0	1 147,1	5 646,4
2	Бошқарув иш ҳақи тўловлари	70 932	74 479	78 025	81 572	85 118	390 126
3	Коммунал тўловлари учун	7,7	8,09	8 ,47	8,86	9,24	42,38
5	Амортизация 5 %	372,5	353,5	335,5	318,5	302,3	1 682,3
6	Солиқ тўловлари ( 12 %)	247,9	250,4	252,2	252,2	252,9	1 255,8
7	Банк хизматлари учун (0,2 % тушумдан)	6,5	6,56	6,62	6,64	6,68	33,00
8	Кредит маблағларини қайтарилиши	189,2	285,1	267,4	249,6	231,8	1223,3



## ХУЛОСА



Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда 27,3 % ни ташкил қилмоқда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соф рентабеллик ўрта ҳисобда 0,4 % ни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари лойиҳанинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан 48 ойни ташкил қилади. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан камлиги лойиҳанинг молиявий–иқтисодий жозибadorлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инқирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари лойиҳанинг дастлабки даврида **15 та янги иш** ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик янги иш ўринлари сони **20 тадан** ортиқ кўпайтирилади. Лойиҳа даврида олиниши мумкин бўлган **7953,3 млн. сўм** фойда ташаббускор мақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва даромадни соҳани кенгайтириш ва бошқа фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиҳа тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва жалб килинган маблағларини ўз вақтида қайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги бизнес фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, иссиқхона маҳсулотларини талаб даражасида етиштирилишига ўз ҳиссасини қўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб–китобларни ўрганиб чиқиб ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун **2000,0 млн. сўм** микдорида инвестиция киритишга қарор қилинди ва бу инвестицияни мақсадли сарфланиши ўз зиммасига олади.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

---

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 17 августдаги қарори
  3. “Интернет тармоғидан олиган маълумотлар
-